

«QO'QON BIOKIMYO»

акциядорлик жамияти

акциядорларининг 2020 йил 20 июнданги

ишик умумий йифилишида

«ЕАСДИҚЛАНГАН»



Х.А.Омонов

Мажлис раиси

ИМЗО

# «QO'QON BIOKIMYO»

***AKSIYADORLIK JAMIYATI***

**БОШҚАРУВ ВА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ**

**МАЪРУЗАЛАРИНИНГ ШАКЛИ ВА  
МАЗМУНИГА НИСБАТАН**

**КЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ТЎҒРИСИДАГИ**

**НИЗОМ**

2020 йил

## **МУНДАРИЖА**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.**

**II. БОШҚАРУВ ВА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ МАЪРУЗАЛАРИНИНГ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИГА НИСБАТАН ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР.**

**III. БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ҲИСОБОТЛАРИ.**

**IV. НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ ҲИСОБОТЛАРИ.**

## **УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ушбу низом Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 16.10.2006 йилдаги 215-сонли қарори билан тасдиқланган Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисидаги низом ва Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссиясининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган, ҳамда у бошқарув ва назорат органлари маъruzalariining шакli va mazmuniiga nisbatan қўйиладиган талабларни белгилайди.

## **II. БОШҚАРУВ ВА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ МАЪРУЗАЛАРИНИНГ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИГА НИСБАТАН ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

2. Бошқарув (кузатув кенгashi ва ижроия органи) ва назорат (тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати) органларининг маъruzalari аниқ ва лўнда бўиши лозим.

3. Бошқарув ва назорат органларининг маъruzalari қуйидаги мазмунда бўлиши керак:

асосий қўрсаткичларни қиёслаш (режа/аслида қўринишида);

бажарилмаганликнинг асосий сабаблари; жамият фаолиятидаги аниқланган камчиликлар ва ушбу камчиликларга йўл қўйган шахсларга нисбатан қўриладиган чоралар; ривожланиш стратегияси бажарилишининг бориши ва бошқалар.

### **III. БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ҲИСОБОТЛАРИ**

4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи Жамиятнинг бошқарув органлари ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 58 ва 59-моддаларига мувофиқ, кузатув кенгаши қўйидаги масалалар бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши олдида ҳисбот беради:

жамият ривожланиши стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисида; кузатув кенгаши ваколатига кирадиган, шу жумладан, жамиятни бошқариш юзасидан қонунчилик томонидан қўйиладиган талабларга риоя қилиш ҳақидаги, масалалар.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 58, 59, 75 ва 79-моддаларига мувофиқ, ижроия органи қўйидаги масалалар бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши (йиллик йиғилиш) ва кузатув кенгаши (ҳар чорақда) ҳисбот беради:

жамият йиллик бизнес-режасининг бажарилиши; жамият ривожланиши стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоралар;

самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари натижалари ва бошқалар.

### **IV. НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ ҲИСОБОТЛАРИ**

7. Вазирлар Маҳкамасининг 16.10.2006 йилдаги 215-сонли қарори билан тасдиқланган Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ, ички аудит хизмати ҳар чорақда кузатув кенгаши олдида ҳисбот беради.

8. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 107-моддасига мувофиқ, тафтиш комиссияси (тафтишчи) ҳар чорақда кузатув кенгаши мажлисига жамиятдаги мавжуд аффилияцияланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар тўғрисида хулосани, шунингдек, ушбу битимлар амалга оширилиши учун қонунчиликка ва жамият ички ҳужжатларига риоя қилинаётганлиги ҳақида хулосани тақдим этади.

9. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида тафтиш комиссиясининг хулосаси тингланади, хулоса таркибида қўйидагилар бўлиши лозим:

жамият ҳисботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларидаги мавжуд маълумотларнинг ишончлилиги баҳоси;

бухгалтерлик ҳисбини юргизиш ва молиявий ҳисботни тақдим этиш тартибининг бузилиш ҳолатлари, шунингдек, молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш вақтидаги қонунчилик бузилишлари ҳақида маълумот.